57-жилд, 2020 йил
ISSN 0135-9614

# ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ АХБОРОТИ

57 – жилд

* * *

# ИЗВЕСТИЯ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА

57 – том

* * *

# THE ANNALES OF THE GEOGRAPHICAL SOCIETY OF UZBEKISTAN

Volume 57

Тошкент-2020

13. Талалушкина Ю.Н. Опыт ООН в исследовании качества жизни населения // Экономический журнал. 2013. Том 31. Выпуск 3. – С. 46-53.

14. Турмуш даражаси ва инфляция. Ахборот-таҳлилий маълумот. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, 2020.

15. Щитова Н.А. География образа жизни: теория и практика регионального исследования. Дисс. ... д-ра геогр. наук. – М., 2005. – 334 с.

16. Юманова У.В. Территориальная дифференциация уровня жизни населения в региональной системе расселения: на примере Чувашии. Дисс. ... канд. геогр. наук. – М., 2005. – 199 с.

17. Ҳакимов Ж. Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари // http://biznes-daily.uz/uz/mening-mulkim/55839-aholi-turmush-darajasini-baholash-kursatkichlari

18. Abdurasulov X.X., Arabov N.U., Xolmuxamedov M.M. Aholi daromadlari va turmush sifati. – T.: Tafakkur Bo'stoni, 2014. – 256 b.

19. www. stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти).

20. https://cbu.uz/upload/iblock/926/Turmush_darazhasi_va_inflyatsiya.pdf (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти)

21. https://kun.uz/news/2020/05/16/markaziy-bank-ilk-bor-ozbekistondagi-turmush-darajasi-togrisida-tadqiqot-elon-qildi.

Мавлонов А.М., Нематов А.Н., Қаландарова Д.Д.*

## БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИДАГИ АҲОЛИ МАНЗИЛГОҲЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация.** *Аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларини ўрганиш иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур мақолада Бухоро вилояти иқтисодиётида чўл-яйлов минтақасининг аҳамияти ва унда аҳоли манзилгоҳларининг тутган ўрни илмий жиҳатдан ёритилган. Манзилгоҳларнинг вужудга келиши, ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати ўрганилган. Шунингдек, типик чўл шароитидаги шаҳар ва қишлоқларнинг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболлари тўғрисида фикр юритилган.*

**Калит сўзлар:** *чўл, чўл-яйлов минтақаси, табиий ресурс, аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар, шаҳарча, "ресурс шаҳар", овул, қўйчилик, қоракўлчилик.*

### Некоторые аспекты развития населенных пунктов в пустынных территориях Бухарской области

**Аннотация.** *Изучение населения и населенных пунктов является одним из основных направлений исследований в экономической и социальной географии. В данной статье характеризуется значение пустынно-пастбищной зоны и её населенных пунктов в экономике Бухарской области. Изучены истоки, история развития и современное состояние поселений. Обсуждаются также особенности и перспективы городов и аулов в условиях пустыни.*

**Ключевые слова:** *пустыня, пустынно-пастбищная зона, природные ресурсы, населенные пункты, город, городской посёлок, «ресурсные» города, аул, овцеводство, каракулеводство.*

### Some aspects of the development of populated locality in the desert territories of Bukhara region

**Abstract.** *The study of the population and populated locality is one of the main areas of research in economic and social geography. This article scientifically describes the importance of the desert-pasture region in the economy of the Bukhara region and the role of populated locality in it. The origins, the history of development and the current state of populated localities are studied. The features and prospects of cities and villages in typical desert conditions are also discussed.*

**Key words:** *Desert, desert-pasture zone, natural resource, populated locality, city, town, "resource city", aul, sheep breeding, karakul breeding*

---

* **Мавлонов Аҳмаджон Муҳаммадиевич** – Бухоро давлат университети Экология ва география кафедраси доценти, г.ф.н. E-mail: mavlonov1978@yandex.ru

**Нематов Анвар Нусратович** – Бухоро давлат университети Экология ва география кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: anvar-nematov@mail.ru

**Қаландарова Дилобар Давроновна** – Бухоро давлат университети Экология ва география кафедраси ўқитувчиси. E-mail: dilobar.qalandarova@mail.ru

**Кириш.** Ўзбекистон табиати хилма хил. Республика ҳудудида баланд тоғлар, тоғ олди текисликлари, паст тоғ ва адирлар, гўзал водийлар ва воҳалар, бепоён чўл ва чалачўллари, серҳосил дарё дельталари ва террасаларини учратиш мумкин. Булар орасида чўллар нисбатан катта майдонларни эгаллаб, Ўзбекистон ҳудудининг 70 фоизини эгаллаган [3]. Республика минтақалари орасида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Сирдарё вилоятлари тўлиқ, Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг катта қисми чўл зонасида жойлашган. Ўзбекистоннинг чўл шароитида ривожланаётган минтақалари орасида Бухоро вилояти мураккаб табиий географик кенглигига эгалиги билан ажралиб туради. Бунга Бухорои Шариф ҳудудида табиий оқар сув манбаларининг йўқлиги ва дарё ёпиқ дельтасида жойлашганлиги асосий сабаб бўлган.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади Бухоро вилоятининг чўл-яйлов минтақасидаги аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиш хусусиятларини таҳлил қилиш асосида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрганишдан иборат. Ишнинг вазифалари сифатида вилоят иқтисодиётида чўл-яйлов минтақасининг аҳамияти ва унда аҳоли манзилгоҳларининг тутган ўрнини баҳолаш, шунингдек, чўл шароитида шаҳар ва қишлоқларнинг ўзига хослиги аниқлаш ҳамда манзилгоҳларни вужудга келиш омиллари, ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва истиқболларини тадқиқ қилиш белгиланган.

**Асосий қисм.** Бухоро вилояти Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий қисмида ўрнашган бўлиб, у мамлакат майдонининг 9,0 фоизини ташкил қилади. Бухоро ҳудудига Қизилқум чўлининг жанубий қисми ва Қуйи Зарафшон минтақаси (қисман жануби-шарқда Қашқадарё қуйи қисми) киради. Гарчи вилоят 100 % чўл зонасида ривожланаётган минтақалар қаторига кирсада, унда кўпчилик арид районлар сингари ҳудудий меҳнат тақсимотининг натижасида шаклланган 2 зонани ажратиш мумкин:

- Аҳоли зич яшайдиган, қайта ишлаш саноати ва суғорма деҳқончилик ривожланган воҳалар;
- Тоғ-кон саноати ва қўйчилик (асосан қоракўлчилик) ривожланган чўл ҳудудлари.

Бухорода 3 та воҳалар мавжуд бўлиб, улар вилоят майдонининг 11,4 фоизини ташкил этади. Ҳозирги кунда вилоятда III-IV минг йиллик тарихга эга Бухоро ва Қоракўл ҳамда XX асрнинг II ярмидан кейин ўзлаштириш бошланган Қоровулбозор воҳалари шаклланган. Чўл яйлов минтақаси эса 88,6 фоизни ташкил этиб, вилоятнинг шимолий, марказий, ғарбий ва жануби-ғарбий қисмларини эгаллаган.

Маълумки, чўл зонасининг мураккаб, экстремал шароити аҳоли манзилгоҳларини вужудга келишига тўсқинлик қилади. Одатда арид районларда аҳоли манзилгоҳлари тарқоқ ҳолда, бир-биридан юзлаб километр масофада жойлашган бўлади. Бундай ҳолат ижтимоий ва ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши билан боғлиқ [2].

Бухоронинг чўл қисмида 10 дан ортиқ аҳоли манзилгоҳлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси XX асрнинг II ярмидан кейин ўзлаштирилган. Ушбу манзилгоҳлар 3 йўналишга – минерал ресурсларни ўзлаштириш (Газли, Зафаробод), қоракўлчилик ва туячилик (Жонгелди, Қизилработ, Кўкча, Чурук ва б.), транспортга – Зафаробод, Бойназар (темир йўл разъездлари) ихтисослашган.

Юқоридаги манзилгоҳлар орасида Газли ўзининг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва илмий-техник салоҳияти ҳамда қулай географик ўрнига кўра алоҳида ажралиб туради. Газли – Бухоро вилояти чўл ҳудудларининг "норасмий маркази" ҳисобланади.

XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларида, жумладан, Туркманистон, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг арид ҳудудларида ҳам табиий ресурсларни қидириб топиш ва ўзлаштириш ишлари бошланди. Ресурсларни ўрганиш натижасида 1953 йил Бухоро вилоятининг чўл қисмидаги Сеталантепада биринчи газ кони топилди [5]. 1956 йил собиқ Иттифоқдаги энг йирик конлардан бири Газли кони ишга туширилди.[1] Газли табиий газ конларини топиш ва ўзлаштириш маркази сифатида 1958 йилда[2] шаҳарча мақомини олди. Шундан кейин Газли ҳудудий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва ихтисослашувининг чуқурлашуви оқибатида аста-секин улғайиб, 1977 йилда туманга бўйсунувчи шаҳар мақомини

[1] Умуман олганда, 1955-1960 йиллар оралиғида Жарқоқ, Қоровулбозор, Сариташ, Газли, Жанубий Муборак каби газ конлари очилган.

[2] Бухоро вилояти геоурбанистикасида 1958 йил "омадли" келган. Чунки, табиий ресурсларни топиш ва ишга тушириш асосида Газли, Қоровулбозор, Навоий каби типик саноат шаҳарларига айнан шу йилда асос солинган.

олди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1982 йил 2 июлдаги қарорига кўра Бухоро вилояти таркибида Ғазли тумани[1] ташкил қилиниб, Ғазли – туман маркази вазифасини бажара бошлади [1]. Бу эса шаҳарнинг маъмурий ва иқтисодий марказ сифатида ривожланиши учун жуда катта туртки бўлди.

Сир эмаски, кўпчилик "ресурс" шаҳарларнинг истиқболи уларда қазиб олинадиган табиий ресурснинг заҳираси ва сифатига боғлиқ. Шунга мос ҳолда, XX асрнинг 80 йиллари охирида Ғазли конида табиий ресурс ҳажмининг камайиши газчилар шаҳри ривожига ўз таъсирини ўтказди. Шаҳарнинг мамлакат меҳнат тақсимотидаги ўрнининг ўзгариши, унинг функционал таркибини ўзгаришига олиб келди. Аммо шунга қарамай, бугунги кунда ҳам Ғазли – Бухоро вилояти чўл ҳудудларининг асосий дарвозаси ва Ўзбекистон газ саноатининг йирик тугунларидан бири ҳисобланади.

1-жадвал

**Бухоро вилоятининг чўл ҳудудларидаги манзилгоҳлар аҳолиси сони тўғрисида маълумот**

(01.04.2020 й ҳолатига, киши ҳисобида)

| № | Аҳоли манзилгоҳлари (шаҳар, қишлоқ фуқаролар йиғини, овуллар) номи | Жами, киши | шу жумладан, киши | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Аёл | Эркак |
| | Ғиждувон тумани | | | |
| | Қишлоқ ва овуллар | | | |
| 1 | Қ.Ф.Й. Кўкча (маркази Ширинобод қ.) | | | |
| 1.1 | Оғитма | 221 | 101 | 120 |
| 1.2 | Бўканай | 31 | 15 | 16 |
| 1.3 | Кўклам | 19 | 9 | 10 |
| 1.4 | Чўлобод | 70 | 35 | 35 |
| | Жами 4 та | 341 | 160 | 181 |
| | Пешкў тумани | | | |
| 2. | Қ.Ф.Й. Жонгелди (маркази Жонгелди овули) | 733 | 355 | 378 |
| 2.1 | Жонгелди | 386 | 189 | 197 |
| 2.2 | Кала-ота | 140 | 66 | 74 |
| 2.3 | Сафрон | 207 | 100 | 107 |
| | Ромитан тумани | | | |
| | Шаҳарлар | | | |
| 3 | Ғазли шаҳри | 6129 | 3346 | 2783 |
| 3.1 | Ғазли м.ф.й. | 3534 | 1874 | 1660 |
| 3.2 | Байналминал м.ф.й. | 2595 | 1472 | 1123 |
| | Қишлоқ ва овуллар | | | |
| 4 | Қ.Ф.Й. Қизилработ (маркази Қизилработ овули) | 521 | 267 | 254 |
| 4.1 | Қизилработ | 267 | 138 | 129 |
| 4.2 | Гугуртли | 192 | 97 | 95 |
| 4.3 | Қизилқум | 62 | 32 | 30 |
| | Шофиркон тумани | | | |
| 5 | Қ.Ф.Й. Вардонзе (маркази Вардонзе қ-қ) | | | |
| 5.1 | Чурук | 250 | 128 | 122 |

Жадвал Бухоро вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Бухоро вилоятида 1984 йил "ресурс шаҳарлар" сони яна биттага ортди. Вилоятнинг шимоли-шарқий қисмида рангдор металл (уран) конларини топиш ва ишга тушириш натижасида Зафаробод шаҳарчаси вужудга келди. Бугунги кунда Навоий – Зарафшон автомобил йўли бўйида жойлашган шаҳарчада 6,0 минг кишига яқин аҳоли яшайди [4]. Зафаробод вилоятнинг шимоли-шарқий қисми ва Навоийнинг ёндош ҳудудлари учун чўлни ўзлаштириш маркази вазифасини бажармоқда. Зафаробод шаҳарчаси ишлаб чиқариш ва

[1] Ғазли тумани таркибига Ғиждувон туманидаги – Кўкча, Пешкўдаги – Жонгелди, Ромитандаги – Қизилработ овуллари, шунингдек, Шофиркон туманидаги – Қалъавоқ, Жондордаги – Жонгар, Қоракўлдаги – Зиёрат қишлоқларининг бир қисми киритилган.

ижтимоий инфраструктура объектлари орқали тўлиқ Навоий шаҳри билан билан боғланган. Шу боис, аҳолининг хоҳиш-истаклари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати қарорига кўра Зафаробод 2018 йилнинг сентябридан Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан Навоий вилоятининг Конимех тумани маъмурий бирлигига ўтказилди.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб чўл ҳудудларининг яйлов маҳсулдорлигидан янада самаралироқ фойдаланиш ва қоракўлчиликни ривожлантириш мақсадида Қизилқум чўли бағрида қатор чорвачилик фермалари ташкил этилди [6]. Жумладан, Бухоро вилоятидаги Жонгелди, Қизилравот, Қоракўл, Қоровулбозор, Ғалаба, Кўкча сингари хўжаликларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Қоракўлчилик фермалари асосида кейинчалик Қизилқум бағрида 10 дан ортиқ қишлоқ ва овуллар вужудга келди (1-жадвалга қаранг).

Жонгелди (Жингилди) – Бухоро вилоятининг чўл-яйлов ҳудудида жойлашган энг йирик қишлоқ аҳоли манзилгоҳидир. Маъмурий жиҳатдан Пешкў туманига тегишли ушбу овул туман марказидан 180, Бухоро шаҳридан 210 км узоқликда, вилоятнинг энг баланд нуқтаси ҳисобланган Қулжуқтоғнинг (785 м) жанубий-ғарбий қисмидаги текисликда ўрнашган.

1931 йилда асос солинган ушбу овулда 386 киши (01.04.2020 ҳолатида) яшаб, аҳолисининг деярли барчаси қозоқлардан иборат. Дарвоқе, Жонгелди атамаси ҳам маҳаллий қозоқлар тилида "жингил" (юлғун, тамарикс) ўсадиган жой маъносини билдиради. Дарҳақиқат, Жонгелдининг ўрни Қулжуқтоғдан оқиб тушадиган вақтинчалик сойлар ва қадимий Дарёсойнинг ўзани яқинига тўғри келади. Шу боис, вилоятдаги 4 метеорологик станциялардан бири шу ерда ишга туширилган. Жонгелди метеостанцияси[1] Қизилқум чўлининг жанубий-ғарбий қисмининг 1950 йиллардан бошлаб метеорологик режими тўғрисидаги маълумотлар бериб келмоқда [7].

Ҳудуддаги бошқа қоракўлчилик фермалари асосида Жонгелдидан турлича масофада Калота (16 км), Учқудуқ (35 км) ва Сафроқудуқ (100 км) каби овуллар ҳам вужудга келган. Айни пайтда, Жонгелдидаги барча турдаги хўжаликларда 3000 мингга яқин қўй-эчкилар, 2000 дан ортиқ туялар боқилмоқда. Кейинги йилларда маҳаллий инвестициялар ҳисобига Жонгелди яқинидаги қурилиш хом ашёларини қайта ишлаш ҳисобига қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, 2017 йилда Бухоро – Мискин темир йўлининг қурилиши вилоятнинг чўл ҳудудлари, хусусан, Жонгелдининг иқтисодий географик ўрнининг қулайлашувига сабабчи бўлди (овулдан мазкур йўлнинг Қорлитоғ разъезди 25 км нарида жойлашган). Бундан ташқари, вилоят ва туман ҳокимликлари ташаббуслари билан Жонгелди ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектлари (умумтаълим мактаблари, врачлик пунктлари, мактабгача таълим муассасалари) замонавий ҳолда таъмирлаб берилди. Мазкур тадбирларни амалга оширилиши чўл ҳудудидаги овул аҳолисининг турмуш даражасининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Қизилравот овули Бухоро вилоятининг "Ғарбий дарвозаси" ҳисобланиб, унга қоракўлчилик фермаси сифатида 1939 йилда асос солинган. Маъмурий жиҳатдан Ромитан тумани таркибига кирувчи ушбу манзилгоҳ туман марказидан 270, Бухоро шаҳридан қарийб 290 км узоқликда, Амударё соҳилларида жойлашган. Айни пайтда, Қизилравот ҳудудида тарқоқ ҳолдаги 3 та – Қизилқум, Қизилравот ва Гугуртли овуллари шаклланган. Қизилравотдан – Қизилқум 31 км, Гугуртли 25 км масофада ўрнашган. Қизилқум овули Бухоро – Хоразм автомобил йўли бўйида, Қизилравот ва Гугуртли эса Ўзбекистон ва Туркманистон чегараси бўйлаб оқиб ўтувчи Амударё соҳилларида вужудга келган.

Манзилгоҳлар аҳолиси асосан қоракўлчилик билан шуғулланувчи қозоқлардан иборат. Ушбу ҳудудда жами 521 киши яшаб, шундан, Қизилравот овулида 267, Қизилқумда 192, Гугуртлида 62 киши истиқомат қилади (01.04.2020 й. ҳолатида). Ижтимоий соҳа объектларидан 3 та мактаб (ҳар бир овулда биттадан), Қизилравотда касалхона, боғча ва савдо дўконлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Маълумки, чўл ҳудудларида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланмаганлиги боис, улардаги катта ҳудудларда табиий ҳолдаги ландшафтларни учратиш мумкин. Табиатни асл ҳолича асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодларга етказиш мақсадида Қизилравот ҳудудида 1971

---

[1] Қулжуқтоғ тизмасининг жанубий қисмида 2 та – жанубий-ғарбида – Жингилди, жанубий-шарқда – Оёқоғитма метеостанциялари мавжуд. XX асрнинг ўрталарида ишга туширилган мазкур станцияларда Қизилқум чўлининг жанубий қисмининг 70-75 йиллик метеорологик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар сақланмоқда.

йилда Қизилқум қўриқхонаси барпо этилди. Амударё тўқайи ва Қизилқум чўли ландшафтларини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил қилинган ушбу маскан Бухоро вилоятидаги ягона қўриқхона саналади. Қизилқум қўриқхонасининг 15 % худуди (бошқарув биноси ҳам) Қизилравот зонасига тегишли. Шунингдек, Қизилравот майдонининг (294 минг га) қарийб 40 фоизи ўрмон хўжалигига ерлари билан банд. Бу эса табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари чўл худудларида ҳозирча яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатади.

Чуруқ овули Кулжуқтоғнинг жанубида, вақтинчалик оқар сувлардан ҳосил бўладиган Чуруқсойнинг 2-террасасида жойлашган. Овул туман марказидан (Шофиркон) 100 км, Бухоро шаҳридан 160 км узоқликка эга. Чуруқ "Ғалаба" қоракўлчилик хўжалигининг 4-фермаси ўрнида вужудга келган. Ҳозирда аҳолиси асосан қозоқлардан иборат овулда 250 киши яшамоқда (01.04.2020 й.). Кейинги йилларда Чуруқ атрофидан аниқланган мармар, гранит ва артезиан суви каби ресурслар ишлаб чиқариш характерига эга. Бу эса келажакда овулнинг ривожланишини белгилаб бериши мумкин.

Бундан ташқари, Чуруқ яқинида Қизилқум чўлини ўрганишга ихтисослашган илмий тадқиқот маркази фаолият олиб бормоқда. Овулдан 8 км масофада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтига қарашли Қизилқум чўл станцияси ишлаб турибди. 1959 йилда асос солинган станцияни дастлаб таниқли олим Иван Фёдорович Момотов бошқарган. Мазкур илмий тадқиқот муассасаси ходимлари Қизилқум чўлининг биохилма-хиллигини сақлаш, чўл-яйлов маҳсулдорлигини ошириш ва фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш ишлари билан шуғулланиб келмоқдалар. Станция ташкил этилган буён Чуруқдаги айрим оилаларнинг кундалик фаолияти у билан боғлиқ.

Вилоятнинг чўл бағридаги бошқа овуллар ҳам чўл-яйлов ресурсларини ўзлаштириш ва унда қоракўлчиликни ривожлантириш асосида ташкил топган. Жумладан, Сафроқ, Учқудуқ, Оғитма, Чўлобод кабилар айни пайтда ҳам қоракўлчиликка ихтисослашган. Юқоридаги манзилгоҳлар сингари ушбу овулларда ҳам "чўллик" хусусиятлари кучли намоён бўлган.

**Хулоса.** А.Г.Бабаев, З.Г.Фрейкин, Е.Е.Лейзерович, Л.А.Алибеков, И.К.Назаров сингари олимлар таъкидлаганларидек, чўл худудларидаги аҳоли манзилгоҳлари мураккаб ва экстремал табиий шароитга эга. Чўл-яйлов минтақасидаги манзилгоҳларни географик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатадики, улар республикамизнинг бошқа табиий шароитида (воҳа ва водийларда, тоғ олди районларида, дарё бўйларида ва ҳ.к.) жойлашган шаҳар ва қишлоқлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

- Манзилгоҳлар ўта тарқоқ ҳолда ва бир-биридан жуда олис масофада жойлашган;
- Улар чўл табиати ва табиий шароитини ўрганиш марказларидир;
- Географик ландшафтлари кам ўзгарган ва "табиий лабораториялар"га эга худуд;
- Чўлларни ўзлаштириш ва ундан иқтисодиётда фойдаланиш маркази;
- Манзилгоҳлар хўжалиги тор ихтисослашувга эга (асосан, қоракўлчилик ва табиий ресурсларни қазиб олиш).

Бухоро вилояти иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисми бўлган чўл худудларидаги аҳоли манзилгоҳлари барқарор ривожланишда давом этмоқда. Улар ҳозирда вилоят нефт, газ ва қурилиш материаллари саноати ҳамда чорвачиликнинг (қоракўлчилик, қўйчилик, туячилик) асосий райони ҳисобланади. Чўлларнинг табиий шароити келажакда бундай жойларда энергетика, туризм, фармацевтика, рекреация ва соғломлаштириш каби соҳаларни ривожлантиришга имконият беради. Шу боис, чўл худудларини ўрганишни такомиллаштириш, халқ тажрибаси ва чўлшунос олимларнинг илм-фан ютуқларини соҳага янада кенг жорий қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Албатта, арид зонадаги шаҳар ва қишлоқлар чўл табиати ва ундаги ресурслардан самарали фойдаланишда "локомотив" вазифасини бажариши шак-шубҳасиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ахмедов Э.А., Ташбаев М. Новые города Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1984. – 168 с.

2. Бабаев А.Г. Проблемы пустынь и опустынивания. – Ашхабад, Туркменская государственная издательская служба, 2012. – 408 с.

3. Жуманов А.П. Эколого-географические условия и типы пустынь Средней Азии. – Ашхабад: Ылым, 1990. – 316 с.

4. Мавлонов А.М. Чўл урбанизацияси. – Бухоро: Дурдона, - 176 б.

5. Назаров И.К., Аллаёров И.Ш. Бухоро географияси. – Бухоро, 1994. – 66 б.

6. Экономический потенциал пустынь и полупустынь Узбекской ССР и пути его реализации / Под ред. К.Н. Лапкина, К.Н. Бедринцева. – Т.: Фан, 1987. – 189 с.
7. Buxoro viloyati. O'lkashunoslik atlasi. – T., 2014. – 57 b.

Таштаева С.К., Эрназаров Ш.Э.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИСТИК ЖАРАЁНЛАР ВА УНДА ЙИРИК ШАҲАРЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Аннотация.** *Мақолада Ўзбекистонда урбанистик жараёнлар ривожланишининг асосий хусусиятлари ёритилган, унда йирик шаҳарларнинг тутган ўрнига баҳо берилган. Вилоятлар кесимида урбанизация даражаси, йирик шаҳарларда аҳоли мужассамлашуви ва саноатлашишнинг ўзаро алоқадорлиги таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *глобаллашув, йирик шаҳар, урбанизация даражаси, аҳоли мужассамлашуви, шаҳарлар тоифаси, шаҳарча, саноатлашиш.*

## Урбанизационные процессы в Узбекистане и место в них крупных городов

**Аннотация.** *В статье освещены основные тенденции развития урбанизационных процессов Узбекистана, оценены позиции крупных городов в нём. Проанализирована взаимосвязь между уровнем урбанизации, концентрации населения и индустриализации по регионам республики.*

**Ключевые слова:** *глобализация, крупный город, уровень урбанизации, концентрация населения, категория городов, городской поселок, индустриализация.*

## Urbanization processes in Uzbekistan and the place in it of large cities

**Abstract.** *The article highlights the main trends in the development of urban processes in Uzbekistan, evaluates the place of large cities in it. The relationship between the degree of urbanization, population concentration and industrialization by regions is analyzed.*

**Key words:** *globalization, large city, degree of urbanization, population concentration, category of cities, urban settlement, industrialization.*

**Кириш.** Урбанизация жамият тараққиёти тарихида рўй берган инқилоб бўлиб, ҳозирги кунга қадар бутун Ер юзини қамраб олди. Жаҳон харитасида юқори урбанизациялашган давлатлар, миллионер шаҳарлар, аҳоли сони 10 миллиондан ортган мегаполислар сафи кенгайиб бормоқда. Айниқса, Осиё қитъасининг барча субрегионлари бу жараённинг марказига айланиб бораётган бир пайтда, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, республикамиз бу жиҳатдан сезиларли даражада ортда қолаётгани ушбу мавзунинг долзарб аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқот мақсади республикада урбанизация жараёни ривожланишининг таҳлил қилиш асосида турли тоифадаги аҳоли манзилгоҳларининг замонавий ҳолатини аниқлаш ва йирик шаҳарларнинг тутган ўрнига баҳо беришдан иборат.

**Асосий қисм.** Ўзбекистонда урбанизация ва шаҳарлар ривожланишининг асослари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимий археологик топилмалар, ўзининг бетакрорлиги билан ҳанузгача дунё аҳлини ўзига жалб этиб келаётган шаҳарларимизнинг тарихий таърифи ўша даврларда юртимизда шаҳарларни ривожлантириш, режалаштириш, архитектура-қурилиш ва бошқарувига оид катта билим, малака ва тажриба бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги глобаллашув даври, ўзаро интеграция ва байналминаллашув шаҳарларнинг олдига ўзгача талаб ва тамойилларни қўймоқда. "Шаҳарнинг иқтисодиётдаги тезкор ўзгаришлардан максимал фойда олиш хусусияти унинг дунё майдонидаги рақобатбардошлик хусусиятини белгилаб беради", - дейилади "Шаҳарларнинг 2017 йилда ривожланиш индекси" маърузасида [2].

Урбанизация ва шаҳарлар ривожланиши жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодий-ижтимоий, геосиёсий ҳаётига, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос тарихий тараққиёт йўлига, давлатлар

* **Таштаева Саида Казаковна** - Ўзбекистон Миллий университети иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти, г.ф.н. E-mail: stashtayeva @mail.ru
**Эрназаров Шукрулло Энибой ўғли**- Ўзбекистон Миллий университети Геоурбанистика мутахассислиги 1-босқич магистранти. E-mail: ernazarov @mail.ru.

МУНДАРИЖА:
ОГЛАВЛЕНИЕ:
CONTENTS:


| | |
|---|---|
| **ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ. ГЕОЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ<br>ФИЗИЧЕСКАЯ ГЕОГРАФИЯ. ГЕОЭКОЛОГИЯ И ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЕ** | |
| **Алибеков Л.А.** Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятида географик муҳит омили | 7 |
| **Попов В.А.** Исследование ландшафтной структуры Нуратау-Предкызылкумского региона | 13 |
| **Сабитова Н.И., Рўзикулова О.Ш.** Ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашнинг картографик усуллари (Зарафшон дарё ҳавзасининг ўрта ва қуйи қисмлари мисолида) | 25 |
| **Алибеков Л.А., Федорко В.Н.** Аральский экологический кризис: предпосылки, последствия, перспективы | 29 |
| **Абдурахимов Х.А., Дусматова А.Д.** Изучение очистки сточных вод предприятий масложировой промышленности и производства целлюлозы высшими водными растениями | 37 |
| **Сабирова Н.Т.** Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унга туташ агроирригацион ландшафтларнинг ўзаро алоқадорлигини баҳолаш | 42 |
| **Алибекова С.Л.** Табиатдан туристик мақсадларда фойдаланиш ва Ўзбекистонда тоғ туризмини ривожлантиришнинг истиқболлари | 48 |
| **Шомуродова Ш.Г.** Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги тоғлар ва улардан туризмда фойдаланиш | 53 |
| **Усмонов М.Р., Ҳасанов Ж.Ю.** Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг баъзи масалалари | 59 |
| **Якубжонова Ш.Т., Уринова Н.С.** Фарғона водийсида агротуристик маршрутларни ташкил этиш имкониятлари | 62 |
| **ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ<br>ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ** | |
| **Федорко В.Н.** Изменение территориальной структуры постоянного населения Республики Узбекистан за последние 30 лет (1989-2020 гг.) | 68 |
| **Аҳмадалиев Ю.И., Абдувалиев Ҳ.А.** Фарғона водийсида аҳоли жойлашувини тадқиқ этишда ландшафт ёндашувининг қўлланилиши | 83 |
| **Жуманазаров Ш.З., Тошпўлатов А.М.** Сўх анклавининг комплекс географик ва геосиёсий манзараси | 88 |
| **Нишонов Б.Э.** Направления перехода к «зеленой» экономике в Узбекистане для достижения целей Парижского соглашения | 94 |
| **Қурбонов Ш.Б.** Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражасидаги ҳудудий тафовутларнинг айрим жиҳатлари | 100 |
| **Мавлонов А.М., Неъматов А.Н., Қаландарова Д.Д.** Бухоро вилоятининг чўл ҳудудларидаги аҳоли манзилгоҳлари ривожланишининг айрим жиҳатлари | 107 |
| **Таштаева С.К., Эрназаров Ш.Э.** Ўзбекистонда урбанистик жараёнлар ва унда йирик шаҳарларнинг тутган ўрни | 112 |
| **Холбаев Г.Х., Абдуллаев А.К., Эгамбердиев Х.Т.** Дунёда ва Ўзбекистонда буғдой етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари | 117 |
| **Рўзметов Д.Р., Кучкарова Д.П.** Енгил саноатнинг шаҳар ҳосил қилиш салоҳияти, тармоқ инфратузилмасини шакллантириш ва урбанизация муаммолари | 121 |
| **Темиров З.А.** Фарғона минтақасида демографик жараёнлар ривожланиши ва демографик районлаштириш | 127 |
| **Неъматов Ж.А.** Моношаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўрганиш ва уларни ечишда халқаро тажриба | 132 |
| **Рахманов Б.Б., Назаров М.И., Янчук С.Л.** Территориальная структура промышленности Ташкентского региона: проблемы и перспективы развития | 137 |
| **Тўраев Қ.Т.** Сурхондарё вилоятида буддавийлик дини вакиллари учун зиёрат туризмини ривожлантириш имкониятлари | 143 |
| **Абдуллаев А.Г.** Озиқ-овқат саноати тармоқлари жойлашишида табиий, иқтисодий-ижтимоий омилларнинг таъсирини географик баҳолаш | 148 |